



## THE IMPORTANCE OF DISCIPLINARY PENALTIES APPLIED TO CIVIL SERVANTS IN THE X-XIV CENTURIES

**Avliyaqulov Sunnatulla Xolmurod o'g'li**

Faculty of education after Higher Education of the Academy of the IIV

Foundation doctoral student

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11352158>

### ARTICLE INFO

Received: 20<sup>th</sup> May 2024

Accepted: 26<sup>th</sup> May 2024

Online: 27<sup>th</sup> May 2024

### KEYWORDS

*Bek, beklar beg, shikhna, Yaso law, death penalty, disobedience, fine and retaliatory disciplinary punishments.*

### ABSTRACT

*The article talks about the punishments established on the basis of the norms of Islamic law and customary law against civil servants who served in the states that existed in the territory of Uzbekistan from the 10th to the 14th centuries. They also discussed the state positions and adopted laws.*

## Х-ХІV АСРЛАРДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИГА ҚЎЛЛАНИЛГАН ИНТИЗОМИЙ ЖАЗОЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

**Авлияқуллов Суннатулла Холмурод ўғли**

ИИВ Академияси олий таълимдан кейинги таълим факультети таянч докторантура докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11352158>

### ARTICLE INFO

Received: 20<sup>th</sup> May 2024

Accepted: 26<sup>th</sup> May 2024

Online: 27<sup>th</sup> May 2024

### KEYWORDS

*Бек, беклар беги, шихна, Ясо қонуни, ўлим жазоси, буйруқни бажармаслик, жарима ҳамда қасос интизомий жазолари.*

### ABSTRACT

*Мақолада Ўзбекистон ҳудудида Х асрдан ХІV асрларгача мавжуд бўлган давлатларда хизмат олиб борган давлат хизматчиларига нисбатан ислом ҳуқуқи ҳамда одат ҳуқуқи нормалари асосида белгиланган жазолар ҳақида сўз боради. Шунингдек, давлат лавозимлари, қабул қилинган қонунлари хусусида ҳам фикр юритилган.*

Бизга тарихдан маълумки, Сомонийлар давлати Х асрда қарлуқлар ва Қорахонийлар (992-1212) (“қора” – қудратли маъносида) сулоласининг курашлари натижасида емирилди. Қорахонийлар давлатида кўчманчи халқ элчилар (эл бошлиғи маъносида) томонидан бошқарилиб, бундай лавозимда нуфузли беклар турган. Бек ҳоқонга бўйсуниб, унинг ваколат доираси одат ҳуқуқлари билан белгилаб қўйилган. Беклар жамоат тартибини сақлаш, суд ҳукмларининг ижросини таъминлаш, урф-одат ҳуқуқларининг бажарилишини назорат қилиб, давлат чегараларини кўрикдаш ишларини бажарган. Бир неча беклар устидан беклар беги (ёки улуғ бек, буюк бек) тайинланган. Беклар беги катта қўшинга қўмондонлик қилиб, хон кенгашида



қатнашган. Шунан айтиш керакки, беклар ҳокимияти канчалик кучли бўлмасин, доимо хонга бўйсунган, бу худди Ғарбий Европадаги вассаллик рамзига ўхшаб кетади.

Юсуф Болосоғуний ўз асарида таъкидлашича, бек бўлиш учун юксак сифатларга эгалик талаб қилинади: “Бек - доно, ботир, шерюрак бўлиши лозим. Унинг билимли, заковатли, мулоҳазали бўлиши талаб этилган. Албатта, бек ким ва қандай бўлмасин, халқ бор бўлгани учун бекдир. Шунинг учун ҳам олим бек ҳокимиятида халқнинг ўрнига юксак баҳо беради, оддий аҳоли - “аратлар” бекларнинг қанот ва парлари бўлиб, уларсиз қуш каби уча олмас эдилар. Қайси бек хушёр бўлса, элини мустақкамлайди, ёв бўйнини янчиб, унинг устига балолар ёғдиради, қайси бек элида тўғри (одил) сиёсат юргизса, элини яшнатади, унинг кунларини ёритади, Мана шу икки нарса тугал бўлса, эл ҳам мангу тураверади,”<sup>1</sup>.

Ушбу давлатнинг ҳам ҳарбий хизматчиларига қўллайдиган интизомий жазоларидан ўзгача мақсади мавжуд бўлган. Яъни Қорахонийлар даврида интизомий жазолар бир қанча мақсадларда аскарларга нисбатан қўлланилган. Бу жазолар тартибни сақлаш, ҳарбий интизомни мустақкамлаш, аскарларнинг садоқат ва итоаткорлигини таъминлашга хизмат қилган. Қорахонийлар даврида аскарларга нисбатан интизомий жазо қўллашнинг асосий мақсадлари:

Ҳарбий интизомни сақлаш: интизомий жазолар аскарлар ўртасида интизом ва итоаткорликни сингдириш учун ишлатилган. Қорахонийлар ҳукмдорлари қатъий тартиб-қоидаларни жорий этиш орқали яхши интизомли ва самарали ҳарбий куч яратишни мақсад қилганлар.

Садоқат ва итоаткорликни таъминлаш: аскарларнинг қорахоний ҳукмдорларига содиқлигини ва қўмондонлик занжирига бўйсунушларини таъминлаш учун жазо чоралари қўлланилган. Ҳукмдорлар мукофот ва жазолар тизимини ўрнатиш орқали ўз ҳарбий кучлари устидан назоратни сақлаб қолишга интиланган.

Интизомий жазолар аскарларнинг нотўғри хатти-ҳаракатлари ёки итоатсизлигининг олдини олиш учун тўхтатувчи восита бўлиб хизмат қилган. Жазодан қўрқиш аскарларни ҳуқуқбузарлик қилишдан тўхтатувчи восита бўлиб хизмат қилган.

Тартиб ва маънавиятни сақлаш: интизомий жазоларни қўллаш ҳарбий сафларда тартибни сақлашга ёрдам берган. Бу аскарларнинг қонун ва қоидаларга риоя қилишларини таъминлаган, бу эса ўз навбатида ҳарбий кучларнинг умумий маънавияти ва жипслигига ҳисса қўшган.

Ҳокимиятни ўрнатиш: тартибга солиш жазолари қорахонийлар ҳукмдорлари учун ўз ҳокимиятини мустақкамлаш ва ҳарбийлар устидан назорат ўрнатиш учун восита бўлган. Ҳукмдорлар ҳарбий тартиб-қоидаларни бузган аскарларни жазолаш орқали ўз куч-қудратини, обрў-эътиборини намойиш қилган.

Интизом ва итоаткорликни таъминлаш орқали интизомий жазолар ҳарбий кучларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган. Қонун ва қоидаларга риоя қилган аскарлар ўз вазифаларини самарали бажарганликлари учун рағбатлантиришлар ҳам

<sup>1</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Б. 44-46.



амалга оширилган, бу эса кучлироқ ва қобилиятли армияга эга бўлишга ёрдам берган<sup>2</sup>.

Шуни таъкидлаш керакки, Қорахонийлар даврида қўлланилган интизомий жазоларнинг ўзига хос турлари турлича бўлиши мумкин, улар жисмоний жазолардан тортиб жарима ёки бошқа қасос шаклларигача бўлган. Жазоларнинг оғирлиги аскар томонидан содир этилган жавобгарликнинг хусусиятига боғлиқ бўлган.

Хоразмшоҳлар давлати даврида султоннинг шахсий котиби - доватдори, байрокдори эса **амир ал-алам (аламдор)** деб юритилган. Суд (маҳкама) вазифасини олиб боровчи қозилар, қози аскар – ҳарбий қози, худди Салжуқийлар давлатида бўлганидек, миршабчилик ва жазолаш вазифаларини *шихна* деб аталувчи мансабдорлар бажарган<sup>3</sup>. Бу мансабларга турк ҳарбий бошлиқлари - амирлар тайинланган. Улар ҳокимиятга хавф туғдирувчи барча ишларга аралашилари мумкин бўлган. Армия отлиқ аскарлар, пиёдалар, уруш вақтида халқдан чақириладиган оломон (ҳимоячилар), султоннинг шахсий кўриқчилари (гвардияси) - **харос**, армия қисмларига хабарлар етказиб турувчи қисмлар - **човуш** ва душман қўшинларининг ҳолатини кузатиб, маълумот берувчи жосуслар ва бошқаларданиборат эди. Ҳарбий бошқарув махсус давлат идора органи, ҳарбий нозирлик - **девон ал-ард** (ёки девон ал-жойиш) деб аталиб, у ҳарбийларнинг маоши (нон, пул), уларга бериладиган ерлар, тўловлар, қуроллар, ҳарбийларни рўйхатга олиш, улар таъминотини назорат қилиб туришларини ўз ичига олар эди.

Шу билан биргаликда Хоразмшоҳлар даврида интизомни сақлаш, ҳарбий хизмат самарадорлигини ошириш, буйруқ ва кўрсатмаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида аскарларга нисбатан интизомий жазо чоралари ҳам қўлланилган. Улар аскарларнинг хулқ-атвори ва ҳаракатларини назорат қилиш воситаси бўлиб хизмат қилган, шунингдек, ҳарбий интизом бузилишининг олдини олиш ва ҳарбий қўшинларда тартибни таъминлаган.

Интизомий жазо чораларини қўллаш мақсадларига қуйидагилар киради:

Таълим ва тарбия: Интизомий жазолар аскарларда ҳарбий хизмат қоидалари ва ушбу қоидаларини тушуниш ҳамда уларга риоя қилишни ривожлантиришга ёрдам берган. Улар масъулият, ўз-ўзини назорат қилиш ва юқори кўмондонларга ҳурматни ривожлантиришга ёрдам берган.

Тартиб ва итоаткорликни сақлаш: интизомий жазолар ҳарбий ташкилотнинг қатъий иерархиясини сақлаш воситаси бўлиб хизмат қилган. Улар аскарларни кўмондонларга бўйсундириш, буйруқларни бажариш ва ҳарбий интизомни сақлашга қаратилган эди.

Хизмат самарадорлигини таъминлаш: интизомий жазо чораларини қўллаш ҳарбий хизмат самарадорлигини оширишга ёрдам берган. Улар интизомни бартараф этишга, мотивацияни оширишга ва аскарларни ўз вазифаларини амалга оширишга ёрдам берган.

<sup>2</sup> <https://www.silkroadstudies.org/publications/joint-center-publications/item/13337-chinas-brutality-cant-destroy-uyghur-culture.html>

<sup>3</sup> Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. З.Муқимов. Тошкент. 2003. – Б. 94.



Умуман олганда, Хоразмшоҳлар даврида интизомий жазолар тартибни сақлаш, интизомни ривожлантириш ва ҳарбий хизматнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида қўлланилган.

Шунингдек, Хоразмшоҳлар давридадан сўнг мавжуд бўлган улкан салтанат тузган Чингизхон давлатининг ҳам ички мустақкамлигини таъминлашда қонунларнинг катта аҳамиятга эга эканлигини тушунган, бу нарса унинг бир неча билик<sup>4</sup>ларида ҳам акс этган. 1206 йилда чақирилган машҳур қурултойда Ясо<sup>5</sup> қонунлари қабул қилиниб, ҳозирги Ўзбекистон доирасида мўғуллар ҳукмронлиги йилларида улар учун Ясо ва биликлар жорий этилади, ўтроқ ерли халқларда эса бу даврда мусулмон ҳуқуқи, чорвадорлар ичида бундан ташқари маҳаллий одатлар ҳам амалда бўлган. Ясони тузишдан мақсад марказлашган мўғул давлатини барпо этиш ва уни мустақкамлашдан иборат эди. Унда давлат ҳуқуқи, ҳарбий курилиш, давлат бошқаруви, беклар, найонлар, амалдорлар ўртасидаги ўзаро муносабатга оид қоидалар тўпланиб, металл лавҳаларга ўйиб ёзилган ва ҳар сафар хонни сайлаш вақтида эълон қилинган.

Тарихий манбаларда мўғуллар қонунчилигида жуда қаттиқ жазо чоралари ўрнатилганлигини кўрсатадиган маълумотлар мавжуд. Аммо бу кўпроқ ҳарбий жинойтларга тааллуқлидир. Чингизхон биликларида эса бунинг аксини тасдиқлайдиган кўрсатмалар ҳам бор. Жумладан, агар турк-мўғул уруғларидан бўлган кимдир Ясо қонунларини *бир марта* бузса, унга интизомий жазо сифатида сўз билан *танбеҳ* бериш, *иккинчи марта* бузса, биликка биноан *жазога* тортиш, *учинчи марта* бузса биликка кўра узоқ Болжин-Сулжур деган жойга *сурғун қилиш* назарда тутилган. Сурғундан ҳам фаросатли бўлиб қайтмай, *тўртинчи марта* Ясони бузса, *оёғига кунда уриб, қоронғи қамоқхонага* ташланганлар. *Бешинчи марта* ҳам хилоф иш қилса, унинг тақдирини ҳал этиш яқин ва узоқ *қариндошларига топширилган*. Маст қилувчи ичимликларни сурункасига истеъмол қилиш Чингизхон давлатида жазо таҳдиди билан тақиқланган. Агар ичимлик ичишдан воз кечишнинг иложи бўлмаса, унда фақат биликларга асосан бир ойда уч марта ичишга рухсат этилган. Шу чегарадан четга чиқилган заҳоти у жазога муносиб хатти-ҳаракатни содир этган ҳисобланган<sup>6</sup>.

Чингизхон ўз давлатида қонунлар жорий этганлиги ҳақида тарихчи Шарофиддин Али Яздий шундай ёзади: “Неки кўнгул буюрган бўлса, ўша йўсинда, ҳар бир ишга ўзига яраша қонун ва ҳар қайси гуноҳ учун маълум жазо

белгилади.” Аммо бу жазолар ижтимоий ва миллий тенгсизликка асосланган эди. Масалан, бир бегуноҳ мўғулнинг ўлими учун хун баҳоси 40 болиш<sup>7</sup> (танга) 1 кумуш бўлгани ҳолда, ана шундай хитойлик ўлими учун бир эшакнинг баҳосидан иборат эди<sup>8</sup>.

Агар (кимса) бирон ким бу (тартибга) хилоф иш қилса, токи ўзгаларга ибрат бўлишлиги учун кимсани ҳалойиқ олдида қатл қилганлар. Бунда биз аскарларнинг

<sup>4</sup> Билик - Чингизхоннинг давлат, ҳарбий ва жинойт ҳуқуқларига оид 27 та нутқининг мазмуни.

<sup>5</sup> Ясо (ясоқ) - давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тартибга солишда Чингизхон томонидан эълон қилинган қонунлар тўплами. Ўзбекистон тарихидан мавзулар бўйича илмий изоҳли луғат. Б.Қодиров, Х.Матёкубов. Т. 2008. –Б. 84.

<sup>6</sup> Ўша манба. – Б. 137.

<sup>7</sup> Тарихий манбаларда кўрсатилишича, 1 болиш оғирлиги 500 мисқол (1 мисқол - 4,6 гр.), ўртаси ингичкароқ, узун, куйма кумуш ёмби шаклида эди. *Қаранг*: Тарихи Рашидий. Т., “Фан”. 1966. - Б. 32.

Чигатойхон даврида бу 300 динорга тенг бўлган (Б. Аҳмедов).

<sup>8</sup> Шарофиддин Али Яздий. Зафарнома. “Шарқ юлдузи”. 1992. 4-сон. 153-бет.



авлоддан авлодга ўз хўжайинлари ёки аскар бўлинмаларининг бошликларига ҳарбий қарамлик тарзида бириктириб қўйилганлигини қўришимиз мумкин. Ясо кўрсатмаларини бажармаганлик учун ҳарбийлар томонидан, айниқса, ҳарбий амалиётлар даврида тақиқланган 36 хил ҳаракатдан 13 тасига ўлим жазоси бериш белгиланган. Жумладан, бошлиққа итоатсизлик, белгиланган жойга қўйилган бошлиқнинг ўз жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиши, ўз бошлиқининг буйруғини бажармаслик, махсус буйруқ берилмаган ҳолда душманни талон-торож қилиш, жанг вақтида қочиш, келишмай туриб чекиниш, сотқинлик ва хоинлик, қочоқ қулни эгасига қайтармаганлик ҳамда асирга олинган кишига асирга олувчининг ижозатсиз ёрдам бериш каби жиноятларга фақат бир жазо - ўлим жазоси берилган.

Чингизхон даврида аскарларга қўлланилган интизомий жазолардан кўзланган асосий мақсад: интизомий жазо қўлланилган аскарларни тарбиялаш, эгалланган жойларни ҳимоя қилишда, сиёсий ва иқтисодий мақсадларни амалга оширишда масъулиятли хизмат қилишини таъминлаш қаратилган. Шунингдек, интизомий жазолар аскарларнинг қонунларга риоя этиши, аскарларнинг ҳуқуқларини ва вазифаларини белгилаши, тартибга солиш ва тартиб интизомни сақлашга қаратилган. Булардан ташқари, айғоқчилар, сохта гувоҳлик берувчилар, жодугарлар, ақлоқсиз одамлар, табиатни ифлослантирувчилар, вазифасидан фойдаланиб пора олувчилар, фоҳишалар ва унга далолатчиларга нисбатан ҳам ўлим жазоси тайинланган. XIV асрларга келиб, Ясо аста-секинлик билан ўз ўрнини узил-кесил шариат нормаларига бўшатиб бера бошлаган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда ҳам ходимларга интизомий жазо беришда интизомий жазоларни қўллашдан асосий мақсад нима эканлигини англаб, жазо белгилашдаги муаммо ва камчиликларга йўл қўймаган ҳолда адолатли ва қонуний тартибда амалга оширган маъқул.

## References:

1. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Б. 44-46.
2. <https://www.silkroadstudies.org/publications/joint-center-publications/item/13337-chinas-brutality-cant-destroy-ughur-culture.html>
3. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. З.Муқимов. Тошкент. 2003. – Б. 94.
4. Билик - Чингизхоннинг давлат, ҳарбий ва жиноят ҳуқуқларига оид 27 та нутқининг мазмуни.
5. Ясо (ясоқ) - давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тартибга солишда Чингизхон томонидан эълон қилинган қонунлар тўплами. Ўзбекистон тарихидан мавзулар бўйича илмий изоҳли луғат. Б.Қодиров, Х.Матёқубов. Т. 2008. –Б. 84.
6. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, 1 болиш оғирлиги 500 мисқол (1 мисқол - 4,6 гр.), ўртаси ингичкароқ, узун, қуйма кумуш ёмби шаклида эди. Қаранг: Тарихи Рашидий. Т., “Фан”. 1966. - Б. 32.
7. Чиғатойхон даврида бу 300 динорга тенг бўлган (Б. Аҳмедов).
8. Шарофиддин Али Яздий. Зафарнома. “Шарқ юлдузи”. 1992. 4-сон. 153-бет.